

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 106 (10.411) / 2005 ЙИЛ 2 ИЮНЬ

ПОЙТАХТНИНГ
бир кунни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА
сўзлар


- **КЕЧА** Тошкент Давлат циркида бўлиб ўтган театрлаштирилган мусикий концерт Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланди.
- **КЕЧА** Фуркат номидаги маданият ва истироҳат боғида Миробод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими, туман халқ таълими бўлими, "Камолот" ЕИХ туман бўлими ҳамкорликларида тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган болалар иштирокида улар кўли билан яратилган буюмлар кўргазмаси ташкил этилди ҳамда "Биз тинчлик истаймиз" мавзuidaги расмлар кўргазмаси ҳамшаҳарларимиз эътиборига хавола қилинди.
- **КЕЧАДАН** "Камолот" ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Езни "Камолот" билан" акцияси бошланди. Ушбу акция доирасидан бир неча лойиҳалар ўрин олган.
- **КЕЧА** Яққасарой туманидаги 150 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман ҳокимликлари ташаббуси билан Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат қилишди.
- **"ЎЗБЕКИСТОН** почтаси" очиқ акциядорлик жамиятининг "Ўзбекистон маркаси" филиалида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги мутахассислари ҳамда Тошкент Ахборот технологиялари университети олимлари ҳамкорликларида тайёрланган янги почта маркалари ЎТГАН кундан муомалага чиқарилди.
- **УСМОН** Носир номидаги маданият ва истироҳат боғида "Маънавият ва маърифат" маркази томонидан уйғур, қозок, корейс миллий маданият марказлари ҳамкорликларида уюштирилган кичик фестивал "Тинчлик бўлсин муқаррар" деб номланди. Фестивал доирасида миллий таомлар кўргазмаси намойиш этилди.
- **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги 15-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб шахмат бўйича 12-14 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги ўтказилди.
- **ҲАМЗА** туманидаги 206-мактабда "Урта масжид", "Бинокор" маҳаллалари фаоллари иштирокида Анджон воқеалари муносабати билан уюштирилган талбирда терроризм ва диний экстремизмнинг мудҳиш оқибатлари қораланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Юнусобод туман электр тармоқлари корхонаси жамоаси бугунги кунда 1117 та корхона ва ташкилотларга ҳамда 77000 абонентларга намунали хизмат кўрсатишни эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: корхонанинг касбига меҳр қўйган муҳандиси, ёш усталар сардори Музаффар Алимов жамоадошлари орасида ишдаги гайрат-шижоати билан алоҳида хурмат-эътиборга сазовор.

Тўлқин Каримов олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

1 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Тасдиқланган кун тартибига мувофиқ депутатлар «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси А.Зиё маърузасини эшитдилар. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Х.Дўстмухамедов, Г.Аннакличева, Н.Алимов, З.Убайдуллаев, Ф.Комилов, А.Жумаев, Р.Зарипова иштирок этдилар.

Депутатлар қонун лойиҳасини бирин-

чи ўқишда қабул қилдилар.

Мажлисда, шунингдек Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов томонидан тақдим этилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг кўмиталари ҳузуридаги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилиш масалалари бўйича жамоат эксперт гуруҳларининг таркибларини ҳам тасдиқлаб олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

1 июнь кунини парламент юқори палатасида «Дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш процесслари устидан суд назорати» мавзuida бўлиб ўтган семинар Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилди.

Иштирокчилар муҳокама доирасида суд-ҳуқуқ ислохотининг истиқболлари ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш тўғрисидаги, дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш процесслари устидан суд назоратини ташкил этишдаги муаммолар, ишни судга қадар юритишга доир халқаро тажриба, суд-ҳуқуқ ислохотини амалга оширишда судьяларнинг роли ҳақидаги маърузаларни тингладилар.

Бўлиб ўтган қизгин баҳс-мунозаралар асосида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноят процессидаги ҳаракатлари устидан шикоят бериш тартибини та-

қомиллаштириш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқларини суднинг ваколатига ўтказиш масалалари кўтарилди. Айни бир вақтда айбизлик презумпциясига доир конституциявий принцинга, шунингдек тергов ҳаракатларининг бошлангич босқичидан оқ тортишув принциплари оғишмай рой этилишини таъминлаш, жиноят процессида инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари алоҳида ургу бериб айтидиларки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш ва янада либераллаштириш юзасидан таърифлаб берилган вазифаларни амалга оши-

риш бу йўналишда чинакам амалий қадам бўлиб қолади. Ана шу муҳим ишда давлатимиз раҳбарининг «Суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён» деган сўзлари шиор бўлиб қолиши мумкин.

Жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада либераллаштириш, дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, процессуал қарорлар қабул қилишда судьянинг чинакам мустақиллигини таъминлаш юзасидан семинарда бир қанча тақлифлар билдирилди.

Семинар ишида сенаторлар, депутатлар, етакчи ҳуқуқшунос олимлар, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг, илмий муассасаларини ва олий юридик ўқув юртларининг вакиллари иштирок этдилар.

XXI сағоси
ХАҲР
Барча мамлакатлардан охирига сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишда Оила кодексининг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришга оид қисмининг Қашқадарё ва Фарғона вилоятларидаги ижроси ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.
- Кеча Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ» савдо-кўргазмалар марказида «Кўриқлаш, хавфсизлик ва ёнгиндан муҳофаза» мавзuidaги CAIPS 2005 1-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлади.
- Ўзбек-Япон марказида ўзбек анъанавий мусикий асбобларига бағишланган мусиқий форум бўлиб ўтди.
- Олимпия шон-шухрати музейининг сўлим боғида Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари ўртасида анъанавий «Академиада» спорт мусобақалари бошланди.
- Езёвон туманидаги Навбахор қишлоғида «Нихол» спорт мажмуаси фойдаланишига топширилди.
- 12 июнь кунини «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Тошкентдаги А.Навий номи миллий боғда «Олимпия югуриши кунининг республика финал босқичи бўлиб ўтади.

Жаҳонда

- Кеча Москвада Михаил Ходорковский ва Платон Лебедевлар устидан олиб борилган суд иши поёнига етди. Суд ҳукмига кўра ЮКОС ва «Менатек»нинг собиқ раҳбарлари 9 йилга озодликдан маҳрум этилдилар.
- Кечадан Японияда мансабдор шахс ва шахсий компаниялар ишчиларини жазирама ёз даврида бўйинбоғ тақмаслик ва костюм киймасликка давлат этувчи умуммиллий кампания бошланди.
- Чеченистоннинг Гудермес шаҳри атрофида амалга оширилган махсус операция натижасида дала қўмондони Мансур Магомаев йўқ қилинди. У истиқомат қилган уйдан катта миқдордаги қурол-яроғ ва ўқ-дорилар топилди.
- Россия Федерацияси Молия вазيري Алексей Кудриннинг маълум қилишича, Россия қарзларини узиш масаласида Сурияга бир қанча енгилликлар берди.

ЎЗ

Диққат, янги рух:

Истеъмоли

ҳуқуқлари қонун

ҳитоясида

ТАЛАБЛАР ТЎЛИК ҚОНДИРИЛМОҚДА

Сергели тумани истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан мурожаат қилувчилар сони жорий йилнинг май ойи ҳолатига кўра 10 тани ташкил этди. Шикоятлар Вазирил Маққамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қарориди белгилаб берилган талаблар доирасида ўрганилмоқда.

Бироқ шундай бўлса-да, соҳада ечимини кутаётган муаммолар борлиги аниқланди. Жумладан, туманининг 6-мавзесидаги Ш.Бурхонов номи маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи 32 та хонадон вақиллари "Тошсиссиққуввати"нинг Сергели туманидаги тармоғи устидан шикоят қилишган. Бундан ташқари тумандаги 6-7-уйларда яшовчи истеъмолчилар ҳудуди шу масала юзасидан Яқкасарой туманларо судига мурожаат этганлар.

Миробод туманидаги Бобур кўчаси, 26-уйда яшовчи М.Захарова телефон тармоғидаги англоағил мовчилик юзасидан Тошкент шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига ариза билан мурожаат қилган. Шикоят хатида "Узтелеком" акциядорлик компаниясига қарашли туман филиали мутасаддилари унга тегишли бўлган телефон тармоғини ноҳақ узиб қўйганлиги баён қилинган. Мазкур иш юзасидан суриштирув олиб борилди.

Шу боис, филиал раҳбарияти ўзининг № 3-245 сонли жавоб хатида воқеа жойига чиқиб текшириш ўтказилгани, далолатнома тузилгани хусусида тўхталган. Бироқ кузатувларда далолатноманинг истеъмоли ва маҳаллий ҳокимият вақиллари иштирокисиз тузилганлиги ўз тасдиғини топди. Ҳозирда қўрилган чора-тадбирлар натижасида М.Захарованинг телефон хизматига доир эҳтиёжлари қондирилган. Мазкур иш юзасидан қонуний талаблар қўлланилди.

Тошкент шаҳар фуқаролик судига даъво аризаси киритилди. Бунга сабаб шайхонтоҳур туманидаги Анхорбўйи кўчаси 6-уйда истиқомат қилувчи, истеъмоли Тоймас Ҳайитовнинг ҳақли эътирози сабаб бўлди. Истеъмолининг даъволари 9, 11, 12, 13, 14, 16, 17-хонадон аъзолари томонидан ҳам тасдиқланди. Аниқланишича, шу уйнинг 10-хонадониди истиқомат қилувчи Л.Толипова ўзига тегишли бўлган хусусий дўконни ертўлага жойлаштирган. Шикоят хатлари ёзилган эса унинг "ҳақ"лигини Шайхонтоҳур туманларо фуқаролик суди судьяси М.Солихова тегишли ҳужжатлар доирасида "исботлаб" берган. Бироқ махсус текширишлар бу ишнинг ноқонуний ҳал этилганлигини исботлади. Ҳозирда истеъмолчилар талаблари тўлиқ қондирилган.

Миср Ташки ишлар вазирининг ўринбосари И.Сааднинг фикрича, Ўзбекистон раҳбарининг қатъий саъй-ҳаракатлари Андижондаги вазиятни зудлик билан назоратга олиш ва воқеаларнинг "қирғизча" сценарий бўйича ривожланиш хавфини бартараф этиш имкони берди. Мисрлик дипломат Президент Ислол Каримовнинг воқеа содир бўлган жойга шахсан етиб борганига ургун бериб, бу милад олдидида юксак бурч ва мамлакат тақдирини учун маъсулият ҳиссининг яққол далили эканлигини таъкидлади.

Коҳира университетининг Осиё тадқиқотлари маркази директори Х.Митксон хоним ҳам Ўзбекистон раҳбарининг Андижон воқеаларига берган баҳосига қўшилишини маълум қилди. Х.Митксоннинг фикрича, юз берган воқеани бартараф этиш учун қўрилган чора-тадбирлар Ўзбекистон раҳбариятининг диний экстремизм ва халқаро террорчилик муаммосига нисбатан қатъий сийсати тўғрлигининг навабтадги тасдиғи бўлди.

Индонезия парламенти депутати Ж.Сиддик айримларнинг Андижондаги воқеаларга аҳолининг норозилиғи сабаб бўлди, деб ўқитиши нотўғри деб ҳисоблайди. Депутат Фарбодга баъзи экспертлар бераётган баҳоларга қўшилмаслигини баён қилиб, ҳар қандай террорчилик ҳаракатини, унга қандай баҳона рўқач қилинишидан қатъий назар, Индонезия жамоатчилиги номидан кескин қоралади.

АСЕАН ҳуқуқшунослар уюшмаси фахрий котиби Раджакришнаннинг

фикрича, жангариларнинг уюшган ва шафқатсиз ҳаракатлари ушбу хуруж ижрочилари ашаддий террорчилар эканлигини кўрсатди.

Унинг таъкидлашича, бундай вазиятда «жиноятчиларнинг шартлари асосида муроғаса келиш мумкин эмас, бунга ҳеч ким ва ҳеч қачон йўл қўймайди».

Пнония Ташки ишлар вазиригининг Маркази Осиё ва Кавказ бўлими директори Р.Мичи «оммавий ахборот воситалари ҳаёлига келганини айтиб, ўз билганича турли уйдирмалар тўқимокда» деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан у, Ўзбекистон раҳбари ўтказган матбуот анжумани муҳим ва ўз вақтида бўлганини, рўй берган фожиали воқеалар ва вазиятни ҳал этиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар юзасидан анжуманда аниқ тушунтиришлар берилганини қайд этди.

Эрон Ташки ишлар вазиригининг МДХ мамлакатлари Бош департаменти бошлиғи М.Сафарий Андижонда одамларнинг тинч ҳаётини бузган қуролланган жиноятчилар гуруҳининг файриқонуний ҳаракатларини қоралади. У Эрон Марказий Осиёда барқарорлик сақланишидан манфаатдорлигини ва савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш тарафдор эканлини таъкидлади.

Исроиллик сийсий шарҳловчи Я.Шаус «Ҳизб-ут-Тахрир» партияси матбуот котибининг, гўёки мазкур ташкилот Ўзбекистондаги воқеаларга алоқадор эмаслиги ва бу партия «тинч кураш йўли»ни танлагани ҳақидаги баёнотиини танқид қилди. Шарҳловчи Андижондаги тартибсизликлар раҳбарларининг демократияни ҳимоя қилиш ҳақидаги даъволарини асоссиз, деб ҳисоблайди.

Молиявий-иқтисодий ривожланиш халқаро маркази директори М.Межанский Андижондаги воқеалар четдан туриб уюштирилганига ишончи қонил эканлини айтиди. «Бироқ, мавжуд кучи ҳокимият Ўзбекистон ҳудудида шариат қонунлари амал қилмаган мамлакат ташкил этишини истовчиларнинг жиноий режалари амалга оширишига йўл қўймади, аминманки, ҳеч қачон бунга йўл қўймайди».

Ўзбекистон — замонавий, мустақил ва дунёвий давлат. Унинг халқи, шак-шубҳасиз, ўз Президентини қўллаб-қувватлайди».

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом А.Пошшазода бу тартибсизликларни бошлаган Андижон аҳли эмас, балки экстремистлар гуруҳи ва жиноятчилар вақиллари эканлигини қатъий таъкидлади. Унинг фикрича, агар аҳоли ташкилотчи бўлганда, қурол-ярроғларни эгаллаш каби жиноий ҳаракатлар содир этилмаган бўлур эди. А.Пошшазода

ҳокимият кучлари эмас, биринчи бўлиб жангарилар ўқ узганига, қурбонлар ҳам айнан ўша жангарилар ўқидан ҳалок бўлганига эътиборни қаратди.

Афғонистон Ташки ишлар вазири А.Абдулла Токиода бўлиб ўтган матбуот анжуманида шундай баёнот берди: «Ўзбекистондаги фожиали воқеаларнинг баъзи иштирокчилари толиблар билан боғлиқ экани ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Илгари бутун дунёдан АҚШга қарши курашишни истоган радикал исломийлар Афғонистонда тўлланган эди. Ҳозир бу жараён тесқари тус олиб, улар дунёга ёйилиб кетмоқда. Марказий Осиёдаги барча жараёнлар, шу жумладан, Ўзбекистондаги сўнгги воқеаларнинг бир учи муайян даражада Афғонистондаги бориб тақалди».

Тожикистон Хавфсизлик кенгаши котиби А.Азимовнинг сўзларига кўра, «вақтида чора қўрилмаганда зуравонликлар бутун Ўзбекистон тарқалиши, бутун минтақага таъсир қилиши мумкин эди». Унинг фикрича, агар Тожикистон ҳукумати 1992 йилда «Душанбеда

АНДИЖОН ВОҚЕАЛАРИГА МУНОСАБАТ

Россия Думасининг МДХ ишлари бўйича кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари А.Билолов Ўзбекистон ҳукуматининг қўрилган чора-тадбирларига баҳо беришда шовша-шошарлик қилмаслик лозимлигини айтиди. «Ўзбекистон Президенти мавжуд вазиятда ягона тўғри йўлни танлади. Шарқда заифлик кечирмайдими», У Ўзбекистонда кучли давлат ҳокимияти мавжудлигини таъкидлаб, Президент Ислол Каримов сийсатининг аниқ максатдаги йўналтирилгани ва пухта ўйланганлиғига, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг изчил ва босқичма-босқич йўли танланганлиғига эътиборни қаратди.

экстремистлар тўдасининг чиқишларига баҳам беришда қатъият кўрсатиб, кескин қоралар кўрғанида, беш йилга қўзилган қонли фуқаролар уруши рўй бермас эди».

Россия Федерацияси Президентини матбуот хизмати маслаҳатчиси Ю.Леонов «Ўзбекистон раҳбарияти барча ишни тўғри ва энг муҳими, ўз вақтида қилганини таъкидлади. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг қатъий саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришга эришилди». Унинг фикрича, АҚШ ва Европа давлатларининг Ўзбекистонни кескин танқид қилишдан эҳтиёт бўлишига, қўл хижатдан улар вазиятнинг қандай тус олиши ва қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини аниқ тасаввур этолмаётганлиғи асосий омил бўлмоқда. «Улар бу ҳудудда реакциян диний радикал оқимлар энг хавфли қучлардан бири эканлини ва бу оқимларнинг асл максадлари мазкур давлатларнинг Марказий Осиёдаги манфаатларига сўзсиз зидлигини яқши англашади».

Франция парламенти аъзоси Р.Блюм Ўзбекистонда фаолият юритаётган инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил ҳоржий ташкилотлар ва «Озод дехқонлар» партиясига ўхшаш «янги туғилган партиялар» ишдан таажуб билдирди. Депутатнинг сўзларига кўра, «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари Францияда ҳам етибороти, лекин уларга муайян муддат чидаб келишди, кейин эса улар билан адлия идоралари шугулланиди».

Р.Блюмининг фикрича, расмий ва «мустақил» маълумотлар «бир-биридан шунчалик фарқ қилмадики, бунини соғлом фикр нуқтаи назаридиан изоҳлаш қийин. Мустақил мамлакатда сўнгги ҳулосани фақат ҳукуматнинг ўзи чиқариши мумкин».

Германиянинг «Шпигель» журнали Бундестадаги ГСДП фракциясининг Марказий Осиё бўйича эксперти Й.Флюгнинг интервьосини чоп этди. Унинг фикрича, «Ўзбекистон нотинчлик ёки фуқаролар уруши хавфи йўқ. Давлат бошқаруви масалаларига ёндашувда айрим фарқлар бўлишига қарамай, биз тушунамизки, Фарғона водийсига этник, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар йўқ эмас. Водийда бундай муаммолардан фойдаланиб кун курадиған диний радикал ғуруҳлар ҳам бор. Биз Ўзбекистон ҳукуматини террорчиликка қарши курашда қўллаб-қувватлашга тайёр турмишимиз дарқор».

«Берлинер Цайтунг» газетаси германиялик танқид шарҳшунос олим П.Шоль-Латранинг фикрларини эълон қилди. У «Ўзбекистонда тартибсизликлар бўлмади. Чунки

ҳарбийлар ва махсус хизматлар И.Каримовга ҳар доим садоқатли. Украинада бутун халқ қўллаб-қувватлаганини кузатмадик. Грузияни эса шўҳратпараст Саакашвили бошқармоқда», деган фикрни билдирган.

18 май кунини исроиллик журналист Н.Каневская (Ўзбекистон Республикаси Президентини Девони ва Бош прокуратурасида ўтказилган матбуот анжуманилари материаллари асосида) «Решет Бет» радиостанциясида Андижон воқеалари тўғрисида эшиттириш тайёрлади. Унда хусусан, бир қатор Фарб оммавий ахборот воситалари тарқатган ахборотларнинг нотўғри ва ноҳосилиғи фош қилинди. «Ўзбекистонда ислом давлати тузишини асосий мақсад қилиб олган жангариларнинг диний-экстремистик характердаги ҳаракатлари ва шюрларига алоҳида эътибор қаратилди».

Япониянинг «Эйдун Шимбун» газетаси шарҳловчиси Ф.Эмори фикрича, «Андижондаги каби воқеалар ўз-ўзидан содир бўлмайди».

Ислол жангариларнинг қамоқхонага ҳужум қилиши ва маҳбусларни чиқариб юбориши фактлари мазкур хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун пухта тайёрларлик қўрилганидан дарак беради».

«Маничи Шимбун» газетасининг халқаро янгилликлар хизмати муҳаррири Т.Фуҗиу тартибсизликларга «Акримидлар» гуруҳининг алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотга асосланиб таъкидлайди, «диний-экстремистик ташкилотлар қурол-аслаҳаларни қўлга киритиш ва одамларни гаровга олиш, маҳбусларни бўшатиб юбориш ва ҳокимият биноларига ўт қўйиш каби ваҳшиёна ҳаракатларга тайёргарлик қўришда, ташкил этиш ҳамда амалга оширишда бир-бири билан бевосита алоқада бўлган».

Украинанинг Глобал стратегиялар институти директори В.Каресвининг таъкидлашича, «Ўзбекистондаги воқеалар «тинч демократик инқилоб» деган таърифга мутлақо тўғри келмайди. Андижон воқеаларига «сайловдиди омил» аралашгани йўқ. Бундан ташқари, мазкур воқеалар тор маҳаллий хусусиятга эга бўлиб, пойтахтга таъсир ўтказма олгани йўқ. Сийсий тузум инқирозига ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас». Унинг сўзларига кўра, «Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг етакчи давлатларидан бири. Бутун геостратегик тизим барқарорлигини издан чиқариши мумкин бўлган диний-радикал қучлар таҳдиди эътиборга олинганда, Ўзбекистондаги ҳозирги тузум Марказий Осиёда барқарорлиқни мустақамлаш нуқтаи назаридан жуда муҳим аҳамиятга эга».

Россиянинг «Парламентская газета»-си муҳбири Н.Лашкевичининг фикрича, Андижонда содир бўлган воқеалар «Президент Ислол Каримов томонидан истиқлол йилларида барпо этилаётган дунёвий давлатни барқад қилиб, Фарғона водийси ҳудудида ислом халифалигини ўрнатиш ва кейинчалик унинг таъсирини бутун мамлакатга, алап-оқибат Марказий Осиёга ёйишга бўлган уринишдир».

Мамлакатда конституциявий тузумни ағдарлишга қаратилган уриниш бўлгани кўриниб турибди. Ҳукумат қўрилган қатъий чора-тадбирлар ўзини оқлайди ва бунини тушуниш мумкин. Бунда асосий айб фожиали воқеаларнинг ташкилотчилари зиммасига тушади. Улар ҳаракатларининг демократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ҳаракатлар бошида қўлида автомат тутган экстремистлар турганининг ўзбек, демократия тарафдори бўлган ҳар қандай кишини серғак тортиради. Агар Ўзбекистонда диний-радикал қучлар галаба қозонганда, Россиянинг жанубий ҳудудларида ўзига ҳос «Толибон» пайдо бўларди. Чунки, Россия Ташки ишлар вазирилик ҳам бунини алоҳида қайд этди. Буни АҚШда ҳам жуда яқши тушунишди. Шунинг учун улар бу мамлакатда гўёки инсон ҳуқуқлари поймол қилинган ва зуравонликлар ҳақида ўзлари хоҳлаган ҳолда гапириб, давлат муассасаларининг қуролли йўл билан қўлга олинганини қаттиқ қораламоқда».

(ЎЗА)

Тинчлик — улуг неъмат

ОНАЛАР ТИЛАГИ ИЖОБАТ БЎЛАДИ

Тинчлик — энг улуг неъмат. Тинч-оқшоиша кунларимиз қадрини бугун янада теранроқ англаётмокдамиз. Ҳамшахарларимиз яқинда Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларга ўз муносабатларини билдириб, тахририятимизга ҳамон кўнғироқ қилиб, мактуб йўлламоқдалар.

«Мен онам, — деб ёзади уй бекаси Ҳосият Раҳимова. — Мустақил юртимизда тинч-оқшоишта яшаб, мекнат қилиб, фарзандлар бахти қамолини қўришни ният қилган инсонман. Андижонда рўй берган мудҳиш воқеаларни эшитиб барча тинчликларвар оналар каби менинг ҳам қалбим ларзага келди. Бегуноҳ, беайб, ўз хизмат постиди турган йилгиларини отиб ташла-

лигидан хотиржам бўлидим. Биз оиламиз билан телевидение орқали Юртбошимизнинг Андижон воқеаларига муносабат билдириб, қўйиб-ёнйиб айтган гапларини эшитдик. Президентимизнинг барча фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда айтмоқчидими галамислар, бузғунлар ҳеч қандай шум ниятларига ета олмайдилар. Ўз юртимизнинг қўллаб-яннаши-

га шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсон ҳисса қўлса албатта ўзимиз ният қилган ҳур дийрага айланамиз. Ташқаридан келиб ҳеч ким бизнинг оғиримизни енгил қилиб беролмайди. Ўз юртимиз, ўз маҳалламиз, ўз хонадонимизда ўзимиз беқимиз. Мана шунини унутмайлик, биргаллашиб, ҳамкорликда оғоҳ ва ҳушёр бўлиб зўгу ишларга, юрт ободлиғига ҳисса қўшайлик. Дунёдаги барча оналарнинг тилаги битта. Ватанимиз тинч, осмонимиз муссаффо, халқимиз соғ-саломат бўлсин».

Дарҳақиқат юрт тинчлиги — эл бойлиги. Бу бойликни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди. Узокчи кўра олмай бузғунчилик йўлини танлаганлар хомтама бўлмасликлари, тинчлигимиз жон қадар азиз, уни ҳимоя қилишга барчамиз бирдек бурчимиз.

1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг "Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ва мазкур Қонун билан инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг ҳуқуқий ҳолати, фаолият соҳаси ва тамойиллари, шунингдек, фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқишдаги ваколатлари ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилди.

Мазкур Қонунга асосан Вакил инсон ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза, шикоят ҳамда таклифларни кўриб чиқади ва текширади, айрим ташкилотлар ва мансабдор шахслар йўл қўйган хатоликларни тугатиш юзасидан тадбирлар тавсия қилади, фуқаролар ҳуқуқларининг тикланишига ёрдамлашади, инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишига сабабчи шахсларни қонунга биноан жавобгарликка тортиш тўғрисида тавсиялар киритишга ҳам ҳақлидир.

2004 йилга келиб ўтган давр мобайнида Вакиллик жамоаси томонидан амалга оширилган ишлар, эришилган муваффақиятлар ҳамда фуқароларнинг муурожаатлари Вакиллик фаолияти доирасини янада кенгайтириш, Вакилнинг ваколатлари ва ҳуқуқларини янада кучайтириш, фаоллаштириш заруриятини туғдириди.

2004 йил 27 августда юқоридаги ва бошқа ҳолатлар инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонуни янги тахрири қабул қилинди ҳамда ҳозирги кунда Вакиллик жамоаси мазкур Қонун асосида фаолият юритмоқда.

Вакиллик жамоаси томонидан мустақил мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида улкан, залворли ишлар амалга оширилганлиги ақинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг мажлисида кенг эътироф этилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) этиб яна қайта С.Рашидованинг ўзи сайлангани унинг фаолияти нафақат парламент аъзолари, балки барча ўзбекистонлик фуқаролар, мамлакатимиз халқи томонидан қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг йиғилишида Вакиллик жамоаси меҳнатига ҳаққоний баҳо берилар экан, авваламбор уларнинг минтақавий вакиллари фаолиятларига эътиборни кучайтириш зарурлиги, уларнинг фаолиятларини янада фаоллаштириш масалалари кўрилди ва муҳокама қилинди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги ташкил этилганлиги, унинг фаолият кўрсатиш борасидаги мобайнида минтақавий вакиллик томонидан сезиларли даражада ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллигига фуқаролардан тушаётган муурожаатларнинг аксариятини жойлардаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда маҳаллалар, яъни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятларидан, олиб борилган тергов жараёнлари ҳаракатлари устидан, шунингдек, суд органлари чиқарган қарорлардан

норозилик мазмунидаги ариза ҳамда шикоятлар ташкил этади.

Шунингдек, фуқаролар турар жойларга рўйхатга олиш (прописка) масалаларида ҳам турли ариза ва шикоятлар билан муурожаат қилмоқдалар.

Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги ходимлари саккизта судланувчи фуқароларнинг суд кенгашиларида кузатувчи сифатида иштирок этдилар. Уларнинг иштироки маълум даражада суд жараёнларининг қонуний асосда олиб борилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Фуқароларнинг ўзларининг маълум бир шахсий муаммолари бўйича олиб борилаётган суд ишлари жараёнларида минтақавий вакиллик ходимларидан кузатувчи сифатида қатнашишни сўраб қилган муурожаатлари еттигани ташкил этди.

Ақсарият фуқароларнинг муурожаатлари тегишли туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, таш-

Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилининг Тошкент шаҳар минтақавий вакили ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг 2005 йил 7 апрелда қўшма қарори қабул қилинди. Қарорга асосан ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди ва иш режаси ишлаб чиқилди.

2005 йил 18 апрелда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) Тошкент шаҳар минтақавий вакили билан Тошкент шаҳар касаб-ба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Кенгаши ўртасида қонунийликни таъминлаш, пойтахт фуқароларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим қабул қилинди ва ишчи гуруҳ тузилиб, иш режаси ишлаб чиқилди.

2005 йил 21 апрелда Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилининг Тошкент шаҳар минтақавий вакили билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган ишлари ҳақидаги битим қабул қилинди ва ишчи гуруҳи тузилиб, иш режаси ишлаб чиқилди.

Ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳар минтақавий вакиллигига С.Раҳимов тумани 1-сон болалар Муруват уйда тарбияланган Игорь Кукунов турар жой ва рўйхатга олиш (прописка) масаласида, Чилонзор тумани, 13-даҳа, 27-уй, 57-хонадонда яшаган фуқаро, фарибгарликда алданган Петр Селезнев Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича

суди қароридан норози бўлиб, Ҳамза тумани 2-даҳа, Лисунов кўчаси 3- ва 4- уйларида яшовчи А.Квен ва бошқалар яшаб турган уйларидаги аҳолининг ачинарлилиги ҳақида, Шайхонтоҳур тумани "Оқлон" маҳалласи Балиқчи 1-тор кўча, 19-уйда яшовчи Холида Охунова маҳалла қўмитасидан невараси учун нафақа пули ололмаётгани ҳақида, Шайхонтоҳур тумани, Ц-13 даҳа, 29-уй, 71-хонадонда яшовчи Н.Семенов уй жой мулкдорлари ширкати ишидан норозилиги ҳақида, Чилонзор тумани, 9-даҳа, 34-уй, 5-хонадонда яшовчи Гулираёно Жабборова ва 42-уй, 55-хонадонда яшовчи К.Фодуров Чилонзор тумани ИИБ ходимларининг ҳаракатидан норозилиги ҳақида, Юнусобод тумани, 1-даҳа, 24-уй, 17-хонадонда яшовчи Е.Лузановская коммунал тўловлар масаласида, Сергели тумани 1-даҳа, 14-уй, 37-хонадонда яшовчи Антонина Захарова уйдаги коммунал муаммолар тўғрисида ёзма равишда муурожаат қилишган, уларнинг қилган муурожаатлари ўз муддатида ижобий ҳал этилди.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги қошида жамоатчилик асосида фаолият юритувчи экспертлар гуруҳи ташкил этилган. Унинг таркибига Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакиллигининг минтақавий вакиллиги ходимлари, шаҳар ҳуқуқ-тартибот ва матбуот идоралари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарлари ҳамда ҳолис адвокат киритилган.

2005 йил 3 майда минтақавий вакилликда жамоатчилик асосида фаолият юритувчи экспертлар гуруҳининг навбатдаги мажлиси ўтказилди ҳамда унда ўтган давр мобайнида минтақавий вакиллик жамоаси томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди ва эксперт гуруҳи аъзоларига муурожаат қилиниб, улар фуқаролардан тушаётган турли мазмунидаги муурожаатларни амалдаги қонунлар доирасида кўриб чиқиб адолатли ҳал қилишга чақирилди, ҳулоса чиқаришда эса уларнинг иштироки ҳамда ёрдамлари сезилиб туриши лозимлиги ва уларнинг фикр-мулоҳазалари зарурлиги таъкидлаб ўтилди, улардан мазкур масалаларни ҳал этишда фаолиятларини оширишлари ҳақида илтимос қилинди.

Шунингдек, йиғилишида минтақавий вакилликнинг шаҳар ИИББ, касаб-ба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, прокуратураси билан қабул қилган қарор ва битимларига асосан, шу ташкилотлар ходимларининг ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб иш олиб боришлари йўлга қўйилса, шахримиз фуқароларининг муурожаатларида ақс этаётган муаммоларнинг оқилона ечим топишида бирмунча ижобий натижаларга эришишига умид билдирилди.

Шоиноят ШОАБДУРАХИМОВ,
Олий Мажлис ҳузуридаги
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Вакили (Омбудсман)нинг
Тошкент шаҳар минтақавий вакили

Ҳуқуқий-демократик давлат сари

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ — АМАЛДА

Мустақилликка юз тутганимиздан сўнг мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида қўлга киритилган энг муҳим муваффақиятлардан бири шак-шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳузурида Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман)нинг фаолият кўрсатиш борасида бўлди. Ривожланган мамлакатлар парламентларида инсон ҳуқуқлари вакиллари — омбудсманларнинг фаолият кўрсатишлари ва ўтган давр мобайнида улар эришган самарали тажрибалар инобатга олиниб мамлакатимизда ҳам мустақилликка эришган республикалар орасида биринчилардан бўлиб Президентимиз Ислам Каримовнинг шахсий ташаббуслари билан демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бўлган Вакиллик жорий қилинди.

килотлар ва идораларнинг раҳбарлари, маҳаллалар, хотин-қизлар ҳамда касаб-ба уюшмалари қўмиталари вакиллари билан биргаликда жойларга чиқиб, кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқиши билан бирга аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари ҳам олиб боришмоқда. Мазкур турдаги текширишлар сони 28 тами ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг муурожаатлари юзасидан минтақавий вакиллик ходимлари Юнусобод, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Ҳамза, Сергели ва Чилонзор туманлари ҳокимликларида учрашувлар ташкил этилди ҳамда йиғилишлар ўтказиб, уларда қилган муурожаатларда кўрсатилган шу туманларга тегишли муаммолар кўриб чиқилиб, уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар тақдим этилди.

Шунингдек, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакиллиги, минтақавий вакиллик ходимлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди вакили Н.Тошматов билан фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, туманлар судларининг иш шароитлари, моддий-техника базаси борасида мониторинг ўтказдилар ва Олий Мажлисга таклиф ва мулоҳазалар тақдим этилдилар.

Вакиллик ишини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш ва фуқароларнинг муурожаатлари, таклиф ва мулоҳазаларини чуқурроқ ўрганиб чиқиш ҳамда керакли ҳулосалар қабул қилиш мақсадида олий маълумотли ҳуқуқшунос, тажрибали мутахассис Шарофиддин Маманбаев ҳолисро адвокат тариқасида жамоатчилик асосида Вакилликка жалб этилган.

Шунингдек, минтақавий вакиллик ходимлари турли йиғинларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги тўғрисидаги маърузалари билан қатнашдилар. Жумладан, вакиллик ходими А.Абдурахмонов Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва Чилонзор тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишлаб ўтказилган йиғилишларда маърузалар қилди.

Вакил Ш.Шоабдурахимов эса Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида, Тошкент шаҳар метрополитени клубида, Шайхонтоҳур туманидаги 234-ўрта мактабда ўтказилган йиғилишларда, шунингдек, Тошкент шаҳар Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида қатнашиб маърузалар қилди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)нинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорлиги тўғрисида"ги 2005 йил 3 февралда қабул қилган битимга асосан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва поймол этилишининг олдини олиш ҳамда тиклаш мақсадида Ўзбекистон

Биз янги Тошкентнинг кўркам чирой очаётганини кўриб қувонар эканмиз, у қандай қуриляпти, шаҳарсозлик бўйича яратилаётган лойиҳалар талабга тўла жавоб бера оладими қабилдаги саволлар ҳам ўйлантормоқда.

Шахсий фикр

ШАҲРИМИЗДАН ДОИМО ФАХРЛАНАЙЛИК

Республикамиз пойтахтининг янада гуллаб-яшнаши йўлида қўрилаётган тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу жуда яхши.

Яна бир фикр-мулоҳаза. Пойтахтимизда қурилган йирик бинолар пештоқига уни бунёд этган қурувчилар, лойиҳачи ва муҳандислар номи битиб қўйилса демократиямиз. Бу эса бунёдкорлар, лойиҳачиларнинг ўз вазифаларига ўта масъулият билан ёндошиб, қурилган биноларнинг чиройли ва мустаҳкам бўлишини таъминлаган бўлур эди.

Бинолар ён-атрофини кўкаламзорлаштиришга ҳам эътиборни кўчатириш лозим, деб ўйлаймиз. Кўчалар ва йўлчалар лойиҳасини тузувчи меъморлар кўкаламзорлаштириш масаласини ҳам ўйлаб кўришлари керак.

Пойтахтимиздаги айрим кўчаларнинг йўлчалари йўқ ҳисоб. Борларидан юриш азоб. Бу ҳол ёзда асфальтнинг қизигида яққол кўзга ташланади.

Бу кўчалардаги ариқларда сув камдан-кам оқади, дараклар кам.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шаҳарларда йўл қурилишини ташкил этишни такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши, айна мудоао бўлди. Бу қарорнинг кўп муаммолар ечимини топишида муҳим аҳамият касб этиши турган гап.

Ақбар АЛИЕВ, меҳнат фахрийси



“Болалигим — пошшолигим”. Топиб, ниҳоятда зийраклик билан айтилган гап. Зотан, болалик сурури, унинг камалакмонанд — рангин дунёси киши умрини қаҳрабон янглиғ безаб турари. Ўтаётган дақиқалар, сониялар болалик дунёсидан бизни қанчалик узоқлаштирмасин, уни барибир соғинаверамиз.

Хатлар — ҳаёт ойчаси

Бугун эълон қилинаётган «Хатлар — ҳаёт ойчаси» саҳифаси материаллари ҳам сиз азиз газетхонларнинг мактублари асосида тайёрланди. Шунинг билан таъкидлаш жоизки, ушбу мақолалар юрак кўри билан ёзилган, мазмунан ранг-баранг, жамиятимизда кундалик ҳаётимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабат ўз аксини топган. Шу ўринда яна бир қарра такрорлаб ўтишга тўғри келадики, газетхонлар шахсий ҳаётда юз берадиган турли хил воқеаларга ҳам, кундалик турмушда, ишда, ўқишда ёки ижтимоий, сиёсий жабҳадаги жараёнларга ҳам асло бефарқ эмас, балки бирор бир жабҳадаги ўзгаришларга, ислохотларга ёки муаммоларга таклифлар билдиришади, танқид қилишади, шахсий фикрларини айтишади, муаммоларни ечиш йўлларини дедил кўрсатишади. Эътиборли томони, тахририятимизга сиз азизлардан келадиган хатлар орасида шеърый машқлар ҳам учрайди, баъзи ҳаваскор қаламкашларнинг ҳикоялари, лавҳалари эса тахририят ходимларининг меҳнатлари бесамар кечмаётганлигидан, «Хатлар — ҳаёт ойчаси» саҳифаси ташкил этилиб, тўғри иш қилинганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, газетхонлар билан берадиган мулоқотга киришиш тахририят ходимларининг кучига куч қўшади. Хулоса ўрнида айтмазмики, азиз газетхон, дилингизда кечадиган гапларни қозғога тушириш. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, «Тошкент оқишони» газетасига хат йўлланг, 136-55-83 рақамли телефонга сим қоқинг.



Шеър-инсон қалбда шалоландай тошиб, жўшқин ва эҳтиросли ҳисларга чулганган тилакларнинг, оний лаҳзаларнинг оқ қоғозда акс этишидир. Демакки, унинг дояси қалб, саждагоҳи кўнгли ганжинаси. Шу маънода Абдуғани Сулаймон шеърлари юрак тафти, Ватан соғинчи, ошиқнинг мунгли ҳасратлари-ю, муҳаббатнинг ўтли дардларидан сўзлайди. Энг муҳими, унинг ёзганларида Ватан мавзуси мана-ман дея кўзга ташланади. Ҳаёт тажрибаси шунинг кўрсатадики, юрагида она-юртга садоқат сақлаган, унинг маъволарини муқаддас билган инсондан ёвузлик кутиб бўлмайди. Айниқса, Андижонда рўй берган 13 май воқеалари она-юртнинг қанчалик муқаддас эканлигини, унинг ҳар бир қаричи учун масъуллиқ бизга бобомерос қадрият эканлигидан сабоқ бераётгандай бўлди. Азиз газетхон, дилига она юрт меҳрини жо этган шoir шеърлари сизни асло бефарқ қолдирмайди деб ўйлаймиз.

Назн чилгани

ЭЛ ТУЗИНИ ОҚЛАЙЛИК
Андижон ўрни аввал катта беғонадир ғам-андуҳ.
Соҳида бир барно қиз кўл бўлган экан,
Балиқ овлаб қирғоққа келган хусна тўлган экан.
Бир кўриб қизни шу он лол чоғи бўз йезит.
Шу кундан бошлаб ошиқ, яшаркан дарди тошиб,
Айтмиш боисин ўгли: «Эй падар, анда жоним, ўшал париваш эрур менинг жону жаҳоним».
Ниж тимсоли ушбу эл муҳаббатнинг рамзидир,
Бу қадимий замонда эрк топган халқ яшар хур.
Хар қимса ўз юртини фахр-ла таъриф этар.
Тинчлик барқарор, улус шодлиги кўкка етар.
Кўк гўмбазли осмон ҳам, гоҳ булутли гоҳ ёруғ,
Сабр қилсан дилларга беғонадир ғам-андуҳ.
Инсон улдур юрт учун фидо этар жонини,
Мард улдурки, кўриқлар Ватанини, шаънини.
Буюк Бобур бир умр юртин кўмсаб ўтди-ку.
Бир лаҳза унутмасдан жони — Андижонини.
Ўзим ҳам гурбат аро кўп замон шипқ юрдим,
Худо насиб айлади — тушгани кўзга сурдим.
Диёнатли бу элга беғонадир шёнат.
Кимки тузин унутди - сўқир бўлди, нақд билдим.
Халқнинг диёнатида хиёнатлар ёт бўлсин,
Хурлик нурга чўмаи Андижон обод бўлсин.
Мустақиллик машаъли ёмон кўздан сақлайлик.
Озод Ватан эгонажон, эл тузини оқлайлик.
Озоҳлик - давр талаби, ношуднинг Абдуғани СУЛАЙМОН

ПАРИШОНХОТИРЛИК КУРСИ

Юнус ака тарих ўқитувчиси бўлгани учунми, меъморий обидаларга жуда қизиқади. Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларидаги кўхна обидалар тарихини яхши билади.

Мақаллада Сайлов бўлди

Мақаллада Сайлов бўлди. Мақаллада Сайлов бўлди. Мақаллада Сайлов бўлди. Мақаллада Сайлов бўлди.

Юнус ака тарих ўқитувчиси бўлгани учунми, меъморий обидаларга жуда қизиқади. Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятларидаги кўхна обидалар тарихини яхши билади.

Мақаллада Сайлов бўлди. Мақаллада Сайлов бўлди. Мақаллада Сайлов бўлди. Мақаллада Сайлов бўлди.

Дундаги гаплар

КАЙФИЯТИМ КЎТАРИЛДИ, АММО...

Шукрки, шахримизда транспорт қатнови яхши йўлга қўйилган. Кеч соат ортиларда уйга кетиш максасида ишонадан автобус бекати томон шошиб келаяпман. Истиқлол шарофати туфайли бунёд этилган кўркам ишоотларни, гўзал, ораста кўчалару хибобларни кўриб кишининг баҳри-дили очилади. Тан олиш керак, шахримизнинг жозибасига, чиройига қойил қолади киши. Ана шундай ҳаёллар билан келадиган, икки хорихлик киши мендан Циолковский кўчаси қаерда эканлигини сўради.

Манзилимиз бир бўлгани учун уларни ҳамроҳлик қилишга таклиф қилдим. Хорихлик кишилар рус тилида мулоқот қилишарди. Шуниси қувонарлики, уларнинг иккаласи Тошкентда аввал ҳам бўлишган экан. Сўхбатларидан шу нарса маълум бўлдики, шахримиздаги улкан бунёдкорлик ишлари уларни хайратга солибди. Бундан бир неча йиллар аввал Тошкентда бўлганликлари сабаб ундаги бунёдкорлик ишларини кузатиб, хайрону лол қилишибди.

«Тозалик — соғлиқ гарови» деган ҳикматли иборада гап кўп. Атроф-муҳитнинг озодлиги, саришталиги халқимиз саломатлигининг асосидир.

Маассуф

ОБОДОНЧИЛИККА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Шу боисми, ҳар доим шахримиз маҳалларида фаоллар ташаббуси билан экологик ҳаётлар уюштирилади, даракларга ишлов берилади, турли хил кўчатлар экилади. Бу яхши албатта. Аммо... Ҳамма гап ана шу «аммо»да. Маълумки, ҳар бир маҳалла кўчаларини озода, саришта тутиш, чиқиндиларни йиғиб кетиш максасида ташкил этилган. «Махсустрас» автокорхоналари фаолиятини ҳар доим ҳам қоникарили деб бўлмайди. Қизиғи, ҳозирда атроф-муҳит мусафоллигини асрашнинг долзарблигини тушуниб етаётган айрим раҳбарларнинг борлиги кишини хайрон қолдиради.

Дўмбироқбод маҳалласининг Усмур, Тахиа-тош, Саннат кўчаларида чиқиндилар 8-10 кўнлаб ётаверлади. Уй эгалари баъзи ҳолларда кун бўйи «Махсустрас» вакилларини кутиб ўтиришади, лекин машинадан дарак бўлмайди. Ваҳраники, бу борада маҳалла ҳамда «Махсустрас» автокорхонаси ҳамкорлигида тайёрланган режа мавжуд. Чиқиндиларни куннинг қайси кунда қайси кўздан йиғиб олиш ҳақидаги ушбу режага «Махсустрас» раҳбари иттиоат этмайди. Кейинги вақтларда телефон орқали илтимос қилиб ялиғганимиздан кейинги «Махсустрас» томонидан автомашина юборилганлигини қандай тушуниш мумкин. Бундай тартибсизлик қачонгача давом этади? Бундай аҳволдан тўман раҳбарларнинг, мутасаддиларнинг хабарлари бор. Лекин қўриладиган чора-тадбирнинг тасдиқи сезилмаганди.

Сўраган эдингиз

“ШИВЛИ”МИ ЁХУД “ШИБЛИЙ”

Бугунги кунда қадимий шаҳри азим Тошкентда кўнлаб жой номлари тарихий шахслар номи билан аталмоқда. Юнусобод тумани, Қўсалдоҳ даҳаси, “Шивли” маҳалласи ҳам кўпчиликка яхши маълум.

“Кеча ухламадим, бугун ухламан...” (?); “Кўшигим бор, на-на-на-най” (?); “Агар севиш билмасак, Бу ҳаёт не керак!” (?); “Сен менинг мушукчам, Сен менинг қучкам” (?); Тарзидаги сатрлар мазмуний сабаблиги, баъдий ноқорлиги билан кишида ачинаши ҳиссини уйғотади.

Озоҳлик айлансин яшаш тугиға, Юрт шипқи авлодга сингисин доимо. Ватанга фидойи мардлар руҳига, Таянганлар завол кўрмағай, илло.

Ҳур ҳаёт тоабод барқарор бўлсин, Озод, обод Ватан қолсин бизлардан. Заминда хурлик, бахт гуллари унсин, Асрайлик диёрни ёмон кўзлардан.

Ошма даврасида

сўҳбатлар

Бир зумда кўз ўнгимда Низомжоннинг кўёфаси гавдаланди. Кейин негадир куйди-пишди шифокоримиз Тожихон опани эсладим. Кичкина Бахтиёрнинг жимгина отасининг юзини силаб ўтириши, бутунлай бегона бир киши дардига малҳам бўлишга тайёр турган ўша меҳрибон палатадошларим бўй-бастии билан хаёлимда жонланди...

Низомжоннинг аҳоли кун сайин ёмонлашиб борарди. Палата шифокори Тожихон опа эрталаб ишга келиши билан биринчи навбатда Низомжондан хабар олар эди. У беморнинг нафас олиши ва қон-томар тизимларини синчиклаб текшириб кўргач ҳаммиса: «Қалай яхшими, кечаси бевозта бўлмади?» деган бир хил савол билан бизга мурожаат қилар эди. Тожихон опанинг бу сўзи оҳангида бемор дардига наҳот истовчи қандайдир бир илтижо бўлардики, биз палатадошлар жонқуяр шифокоримизнинг кўнглини кўтариш учун ақалли бир оғиз сўз айтишга ожизлик қилардик.

Низомжонни бу ерга олиб келишганига бир ҳафта бўлибдики, шу аҳвол. Бунинг устига унинг на бир узок-яқинию, на оиласидан дарак бор. Бирдан бир жонқуяри шу Тожихон опа. Бир кунда тўрт-беш марта кириб чиқдики бу палатага. Ҳар гал бемор устида парвона. Биз палатадошлар ҳам уни ёлғизлатиб қўймадик. Навбатма-навбат Низомжонга қараб туришни ўзимизнинг бурчимиз деб билдик.

Роса еттинчи кун уни сўроғлаб бир онахон келди. У етаклаб олган 7-8 ёшлар чамасидаги бола Низомжонни кўрдию, жовдирганича унга тикилиб қолди: Онахон биз билан салом-алик қилгач, бемордан ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Низомжон гапирга олмасча ҳам ҳар қалай кампирга мамнун термулди қўйди. Болани кўрганда негадир унинг кўзларига ёш тўлди. Сўнг бирдан кўзларини юмиб олди.

— Ҳеч кимнинг бошига солмасин экан, — гап бошлади онахон аста. — Бечора ярим йилдан бери гапсиз, тилсиз. Бунинг устига оёқ-қўли ишламайди. Қандай йиғит эди-я. Кўрганнинг хаваси келарди. Хотини ўлгур шу кўйга солди. Уни мана шу суксурдек боласи билан ташлаб, бошқа эркак билан чиқиб кетди. Низомжон бечора иснодга чидолмай, қуя-қуя шу дардга чалинди. Менинг исмиМ Рисолат. Унинг кўшниси бўламан. Уч-тўрт кун кишлоқдаги қариндошларнига кетган эдим. Низомжоннинг касалхонага тушиб қолганини шу бугун эрталаб ашитдим. Эшитдимю, бу ёққа йўл олдим. Хайрият, уни соғ-саломат кўрдим. Сизлардан илтимос, унинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туришлар. Савоб бўлади. Биз бора-қолайлик энди.

Онахон болани қўлидан зўр-базур судраганича олиб чиқиб кетди. У кетган Низомжон кўзини очди. Кимнидир қидириб шиддат билан ўрнидан турмоқчи бўлди. Уни аранг тинчлаттирдик. Эртасига тушдан кейин енгил-елпи кийинган кечаги бола — Бахтиёр палатага кириб келди. Унинг икки қўлида иккита тухум. Биз ажабланиб болага тикилиб қолдик. У индамай олдимиздан ўтиб Низомжон ётган қаравот тепасига борди. Қўлидаги тухумларни авайлаб шақф-

ча устига қўйди. Қаравот четига ўтириб, отасига термулганича кичик бармоқлари билан унинг юзини охишта силаб бошлади. Кечқурун Бахтиёрни қидириб кечаги онахон — Рисолат хола келди.

— Ҳаҳ, боласи тушмагур-ей, шу ердამисан? Шундан кейин Бахтиёр ҳаммамиз учун қадрдон бўлиб қолди. У деярли ҳар кун касалхонага қатнайди. Ҳар гал жимгина ўтирганича отасининг юзини силайди. Онда-сонда биз томонга ўғринча қараб қўяди. Саволларимизга истар-истамай жавоб беради.

— Бола бечора отасига илинганда. Бу тухумни ўзига эрталаб сувда қайнатиб бергандим. Қаранг, ёмай бу ёққа олиб келибди, — деди Рисолат хола ёқасини ушлаб.

Шундан кейин Бахтиёр ҳаммамиз учун қадрдон бўлиб қолди. У деярли ҳар кун касалхонага қатнайди. Ҳар гал жимгина ўтирганича отасининг юзини силайди. Онда-сонда биз томонга ўғринча қараб қўяди. Саволларимизга истар-истамай жавоб беради.

Шурмуш гораҳаларида

РАҲМАТ СИЗГА, ОДАМЛАР!

Уйга келишим билан қизим қўлимга таклифнома тутқази. Кимдан экан? Шундай ҳаёл билан зарҳал ҳарфларга кўз югуртирдим. Низомжон... Холада. Наҳот бу ўша Низомжон бўлса? Ҳа, худди ўзи. Мана манзили ҳам ўшаники.

.....

Шундай қўларнинг бирида келинчақдек асан-тусан қилиб олган, кўринишидан шаддоқгина бир аёл сўровсиз-истовсиз палатага кириб келди. Орқасида иссиқданми ёки югурганиданми, терлаб-пишиб кетган Рисолат хола. У ҳадеб жувонга ялинади:

— Жон болам, ундай қилманг. Ўтинаман, органгизга қайтинг. Бечоранинг аҳоли оғир. Уз дарди ўзига етади. Сизни кўрса яна бир корхўл бўлиб юрмасин. Унга раҳмингиз келмаса, болангизга раҳмингиз келсин. Уни тирик етим қилманг.

— Вой тавба, ҳа муңча жон куйдирасиз. Нима қилсам ўзим биламан. Бегона хотин, сизга нима?

Жувоннинг бу сўзи Рисолат холани тутоқтириб юборди.

— Нима-нима? Ким бегона? Олти ойдан бери ўлгингни бағрида олиб ўтирган, эринг Низомжоннинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турган мен энди бегона бўлдимми сенга? Бегона деб сени айтса бўлади. Йўқол кўзимдан, беномус.

Шовқин-суронни эшитиб палатага Тожихон опа кирди. Рисолат хола энди унга гап тушунтира кетди.

— Буни қаранг қизим, бу қанақа нодонлик, бу қанақа бедодлик. Эри ўлим тўшағида ётсаю, аҳмоқ хотин ундан ЗАГС қозонини сўроқлаб келса. Ҳа, ахир Низомжон кўзини очсин, оёқка турсин, кейин оларсан ўша қозонинг ўлгурини десам, «Йўқ, менга ҳозир керак. Шу бугунқоқ ЗАГСдан ўчмасам бўлмайди» дейди. Сиз ўзингиз айтиб, тушунтиринг қизим, бу тил билмас галчага.

Тожихон опа жувонга нафрат билан тикилди. Нимадир демокчи бўлди. Лекин тили бормади шекилли, индамай уни хонадан олиб чиқиб кетди. Жувон ўғли Бахтиёрга ҳатто қайрилиб қарамади ҳам. Унинг бу қилмиши кампирнинг асабини баттар кўзғатди.

— Қаранг-а, ўзи тўғиб ўстирган фарзандидан ҳам ЗАГС қозони зарурроқ экан унга. Эрталаб келгандан бери ўғлини сўраб-суришти-

рармикан дейман, бу ҳақда бир оғиз чурқ этмайди. Охири зора инсофга келса деб ўзим оғиз очсам: «Ҳозирча бола шу ерда тура турсин, кейин олиб кетарман. Эрим бегона болани ёқтирмайди», дейди. Вой ўзинингнинг боланг ўзингга бегона бўлди, фарзанд кўр қилгур? Бахтиёр туғул унинг тирноғини ҳам сенга бермасман.

Шу дамда негадир қўшнимиз Зубайда хола-ни эслаб кетдим. Унинг Қодиржон исмли ёлғиз ўғли бор эди. Аяган кўзга чўп тушар деганларидек бир тасодиф туфайли холагинг жонқуяри Қодиржоннинг кўзи ожиз бўлиб қолди. Тенгқурлардан бирининг отган «пақ-пақ» ўқи Қодиржоннинг кўзига тегибдию, шу фалокат юз берибди. Зубайда хола ўғлини орқасига ортмоқлаб бормаган, учрамаган шифокори қолмади. Ушанда хола бечора қайсиқидир шифокорга шундай деб ялинган экан.

— Худо хайрингизни берсин болам, нима қилсангиз ҳам ўғлимнинг кўзини очинг. Агар керак бўлса менинг кўзимни олиб, унга қўйсангиз ҳам розиман. Ўғлим кўр бўлгунча, мен кўр бўла қолай. Ула-ўлгинимча сизнинг хизматингизни қиламан. Умрбод сизни дуо қилиб оламдан ўтаман. Ишқилиб ўғлимнинг кўзи очилса бўлгани.

- Ана буни онанинг фарзандга
- бўлган ҳақиқий меҳри деса бўла-
- ди. Лекин ҳозиргина палатамиз-
- дан чиқиб кетган жувон ҳам она.
- Ярим йил кўрмаган фарзанди
- рўпарасида турсаю, она унга му-
- лақо эътибор бермаса, фарзанд
- уволи тутмасмикан уни? Оғир
- аҳволда ётган эрининг нафрат
- уни қандай тинч қўяркин? Маҳал-
- ладлошлар қарғишига учрамасми-
- кан у? Она деган табаррук нонга
- доғ туширган бу аёлни ҳақиқий
- маънодаги инсон деб бўладими?
- Оиласидан совутиб, ўғлидан жудо
- қилмоқчи бўлган кейинги эр унга
- эрлик қилармикан?

Ҳа, афсуски, ўзини бадном қилган бундай одамларнинг кўзлари ҳам тез очила қолди. Сўнг пушаймон ҳам қилишади. «Кўр эканман, келинлар, энди мени кечира қолинглар» деб ўзларини гўлликка солишади. Базиллар уларга балки яна инсоф қилишар, лекин барибир киши виждони, иймони уларни мутлақо кечира олмайди.

Атрофинда аяшлар кўп бўлса ўлим ҳам сендан чекинар экан. Шифокорларнинг дори-дармонини, ёки одамлар меҳрини, Рисолат холагини елиб-югуртишим, Бахтиёрнинг шифобахш қўлларини, ҳар қалай мўъжиза юз берди. Низомжон тилга кирди. Кейин бир соат, ярим соат туриб ўтирадиган бўлди. Биз палатадошлар шифо топиб уйга қайтарганимиз, у билан қуёқ хайрлашдик.

— Раҳмат, — дерди Низомжон эндигина тилга қираётган бола сингари тугила-тутила, — яхшиликларингизга қайтарай, сизларнинг меҳрингиз туфайли соғайдим.

Биздан кейин кўп ўтмай у ҳам уйига қайтибди. Бу қувончи хабарни эшитиб, палатадошлар йиғилишиб, Низомжонларнига бордик.

Уша кунни роса гурунлашиб тонг отарда уйга қайтдик. Орадан уч-тўрт ой ўтиб Низомжон бутунлай оёққа туриб кетди. У билан гоҳ-гоҳ бўлса, ҳар қалай кўришиб турардик. Шундай учрашувлардан бирида у хотиндан сўз очиб қолди.

— Тунов кун ундан хат олдик. Эри ташлаб кетибди. «Ҳеч кимим қолмади, бир ўзим бошимни қайси тошга уришни билмайман. Шундай вақтларда ҳеч бўлмаса, ёнимда ўғлим Бахтиёр бўлсанчи, деб ўқинаман. Афсус у ҳам мenden узокда. Сиз ҳар қалай эркак кишисиз, бир кунингизни қуриб кетасиз, ўтинаман, ўғлимни менга беринг», — деб ёздиби.

Шундан кейин Низомжон билан қайта учрашмадик. Мана энди эса қўлимда тўй таклифномаси. Демак, Низомжон уйланыпти. Бахтиёр жон оналик бўляпти. Ишқилиб бахтли бўлишсин.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

Шарқ дурдоналари



● Доимо парhezар ва доно кишилар билан маслаҳатлашмоқ керак.

Байт:
Насихатим бўлса бегараз,

Жони билан тинглайди киши. Фойдами ё зиён барибир,

Тинглайвериш бефаҳм иш!

● Ҳикмат. Аристотель шундай ёзади: «Иззат тиласанг ифбатли бўл, улуглик тиласанг мулоийм бўл, зафар тиласанг адалат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, наҳот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду-жаҳд қил!»

Байт:
Дунё моли гўё булут сояси,

У ёндан бу ёнга ўтар ҳар замон.

Шунинг учун молнинг эътибори йўқ. Бир онда ўзгариб қолар ногаҳон.

Хушёр киши шундай кишики доим.

Топганини элга қилади эҳсон.

● Бир ёлғонча ва беҳуда сўзловчи киши лоф кўчасига кириб, дерди:

«Маҳастий» бирла «Ўқлидис» билурман,

Бу фан бобида юзни мот қилурман.

Замона саҳифасида ва заминун осмон теғрасида, умуман, эл орасида нимаикки бўлса менинг кўзларимга аён-дир!

Унинг беҳуда ва паришон аҳволидан воқиф бир доно унга деди: «Кўп баланд паस्ता учма, ёлғончилик қўйиға тушма! Узоққа бориб юрмайлик, айтич, инягиндаги соқолинг толаси нечта?»

Байт:
Беҳуда гапларни гапирса киши,

Гапидан ортажак бошда тавшиши.

● Бойликнинг умри боқий бўлмайди. У гўёки сувли чашмага ўхшайди. Бир нафас олгунингча ёки кўзингизни очиб юмгунингча бу чашманинг суви қуриб қолиши мумкин.

Эшитдимки, жамшид — сохиби олам, Чашмадаги тошга ўтириб шу дам,

Деди: «Кимлар бунда ўтирган шодон, Аммо, кўз очмайин бўлгандир вайрон!»

● Барзу ал Ҳаким айтди: — Беш киши, беш айбга йўл қўйса, беш пушаймонлик мевасини тотлади. Биринчиси, зарур ишни орқага суради ва вақти кетади. Иккинчиси, яқин дўстни хафа қилади ва балога мубтало бўлади, учинчиси, душмандан эҳтиёт бўлишдан гофил бўлади ва зиён қўради.

Тўртинчиси, ҳаёли, покдамон хотинни қўлдан беради ва ёмон хотинга дучор бўлади. Бешинчиси, гуноҳ ишлардан қўрқмайди, оқибат ўлимга маҳкум бўлади.

● Яна Барзу ал Ҳаким сўзлади: — Бир неча нарса борки, улар бошқа нарсаларга доимо тобеъдир.

Масалан, мурувват ақлга, роӣ ва тадбир тажрибага, яқинлик муҳаббатга.

ГАП ТАГИДА ГАП БОР

«Кечқурун қоронғу тушганда касал кўрганни бормаслик керак» дейишади. Чиндан ҳам шундай. Ҳаста одам кун бўйи дарддан, дори-дармон қилишдан азият чекиб, хориган, чарчаган бўлади. Кечки пайт унга тинчлик, ором керак. Сиз беморнинг ҳолидан хабар олгани борсангиз у яна уринади, чарчайди. Шунинг учун эрталаб бориш керак.

Бемор ҳузурда ортиқча гапирмаслик, унга турли-туман саволлар бермаслик, асосан унинг кўнглини кўтарувчи, руҳини енгиллаштирувчи гаплар айтиб, теэрoқ кўзгалашга, яхши тилак ва истақлар билдиришга ҳаракат қилиш керак.

Бувижонларимиз кўпгина уйга меҳ-

мон келса дарров: «Келинг, келинг, айланы. Эрталабдан бери дилимдан ўтказиб турувдим-а» дея пешвоз чиқиади. Меҳмонни очик чехра ва самимият билан кутиб олишади. Бу—хушумомалалик ва меҳмондўстликнинг белгиси. Бу бувижонларимизнинг яхши удумлари. Кейин эса: «Меҳмон кетган захоти ҳеч қаерни сулурма, сулуруги теккизма» дейишади. Бу гапда ҳам жон бор. Одатда меҳмонлар кеч бўлган: «Энди бизга рухсат берсангиз, уйга етиб борасак, эрталаб ишга бориш керак», деб узр-маъзур айтишиб жўнаб кетишади.

Бемаҳалда сулуруш эса санитария қоидаларига зиддир.

ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР

МЕВАЛИ ЧОЙ
Олма, нок, олча каби меваларни тоза ювиб, уругини ажратиб, чойнакка соласиз, бир оз қуруқ чой ташлаб, қайнаб турган сувни қуюсиз. Дам егач, пиёдаларга қуйиб дастурхонга тортасиз. Бундай чойда юқорида кўрсатилган меваларнинг хушбўй ҳиди ва толи мазаси бўлади, чанқокни яхши босади.

РАЙХОНЛИ ЧОЙ
Чойнакни қайноқ сувда чайқаб бир чой қошиғида қора чой ва уч-тўрт дона райхон баргини солиб чой дамлайсиз. Уни яна холда ичилса, чанқокни босади.

ШИРЧОЙ
Сирланган каструлькага бир ярим литрча сув қуйиб қайната-сиз. Қайноқ сувга қора чой солиб яна 15 дақиқа қайнатасиз. Сўнгра қаймоқни яхшилаб аралаштириб қуюсиз ва озгина туз сепа-сиз. Ширчой уч-тўрт дақиқа қайнагандан кейин пишади. Уни пиёла-ларга қуйиб, ҳар бир пиёлага ярим чой қошиғида сариеғ солиб дастурхонга тортасиз.

БИЛАСИЗМИ?

Сайёрамаз аҳлиси ҳар бир со-
нида икки кишига кўпаяди.

Инсонларнинг бўйлари бир кун-
да турли-туман бўлади. Эрталаб
кўпроқ бўлса, кечга бориб 1-2 сан-
тиметрга пасаяди. Агар инсон кун
бўйи юрса ҳатто 4-5 сантиметрга
пасайиши мумкин.

Бунинг сабаби шундаки, одам
кўп юрганда умуртқа суяклари бир-
бирига жипсрок бўлади.

Текширишларга кўра одам бир
кун мобайнида ўртача бир соат да-
вомда гапирди. 60 йил умр да-
вомда гапирилган гап учун сарф
бўлган вақт икки ярим йилни таш-
кил этади. 60 йил умр кўрган одам-
нинг гаплари ҳар бири 500 саҳифа-
ли китоб ҳолига келтирилса, минг
жилдик бўлган кутубхона пайдо
бўлади.

Швед этнограф олими, доктор
Стандбергнинг барча беш китъда
ўтказган текширишлари натижаси-
га кўра энг камгап халқ финлар
экан. Рўйхатдаги кейинги камгап
халқ сифатида канадаликлар тура-
ди.

Сергап ва бақирок халқлар эса
италияликлар, бразилияликлар ва
мексикаликлар экан.

Одам умуртқаси ўсиши 18-25
ёшда тўхтади. Умуртқа суягини 30
ёшгача ўсганлиги тўғрисидаги маъ-
лумотлар ҳам бор.

**“ЯШИН
ЗАРБАСИ”**


**Кўлбола арокни Америкада
ҳам тайёрлашди.**

Американинг Виржиния штати-
да полиция томонидан кўлбола арок
тайёрловчиларга қарши амалга
оширилган тезкор тадбир “Яшин
зарбаси” деб номланди. Тадбир
қўллангандан сўнг ҳуқуқни муҳри-
фоза этиш органи томонидан
“жиноий гуруҳ кўлга олинган”и
эълон қилинди. Бу гуруҳ 4 минг ли-
тргача кўлбола арок ишлаб чиқара-
диган махфий қорхона эгаси ва
унинг икки шериги мексикалик эр-
хотиндан иборат эканлиги аён
бўлди. Кўлбола арок тайёрловчилар
Америкада гиёванд моддалар савдо-
си билан шугулланувчиларга
қараганда анча кучсиз, бирок ҳуқуқ
посбонлари уларга қарши кескин
кураш олиб боришга чоғланган.

АҚШда кўлбола арок тайёрлаш
билан шунчаки ҳаваскор ёки қон-
гачан билан одамлар эмас, балки бу
ишнинг чинакам усталари шугул-
ланади. Виржиния ва Шимолий
Каролина штатларида ҳажий мах-
фий заводлар бўлиб, уларда яши-
ринда тайёрланган спирт бутун мам-
лакатга тарқатилади. Файриқонуний
йўллар билан кўлбола арокни иш-
лаб чиқариб пуллашга берилган ким-
салар ўзлари учун зарур барча хи-
хозларга эгаки улар қонунни чет-
лаб ўтишининг ҳадисини олишган.

Албатта, гуллаб-яшнаётган Аме-
рикада қонунга хилоф тарзда арок
ишлаб чиқаришга ҳолат бормикан,
деган савол туғилиши мумкин.
“Нью-Йорк таймс” газетасининг ёзи-
шича АҚШнинг шарқий қисмидаги
аксарият худудларда сақланиб тур-
ган камбағаллик аҳолини ана шун-
дай йўллар билан гул топишга маж-
бур этадиган омиддир. Нисбатан
азсон кўлбола арок чет шаҳарла-
ригагина эмас, балки Вашингтон,
Филадельфия, Ричмонд каби ша-
ҳарларда ҳам хийла харидордир
экан. АҚШ ҳуқуқни ҳимоя қилиш
органлари ва ФРБ бу жабҳада
қаттиқ кураш олиб боришга чоғлан-
ган. Кўлбола арок тайёрлаган киши
гайриқонуний йўл билан даромад
топганликда айбланиб, АҚШ қонун-
ларига кўра 15 йил қамок жазосига
тортилади.

“Радиодеталлари” дўкони ҳар
қандай радиодеталлар, компь-
ютерлар жамловчи, электрон,
аудио ва видео, ўлчов асбобла-
рини харид қилади ва сотади.
Телефон: 68-93-93



— Мен футболчи бўлам.
— Мен эса теннисчи.

Мубоийт

**ШИФОБАХШ ҚУРИЛМА
ҚЎЛ КЕЛМОҚДА**

Ичакларни монитор усулда ювиш ўзига хос муола-
жани ташкил этади. Бунда Москва бальнеологик шифо-
хонасида кенг қўлланилаётган “АМОК-2” аппарати жуда
қўл келмоқда.

Бундай шифобахш қурил-
мага Тошкентдаги “Чинобод”
санаторийси ҳам эга бўлди.
Эндиликда бу аппаратдан
маъданли сув билан ювишда
фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга санато-
рийда муолажалар ўрнида
қўлланилаётган натрийли

ишсқ сув ванналарини қабул
қилишда ҳам бу қурилма ўз
ўрнига эга бўлди. Маржон
ванналар, сув ости уқалаш
ванналаридан фойдаланишда
ҳам “АМОК-2” шифобахш
қурилма бўлиб хизмат қил-
моқда.

Ақбар АЛИЕВ

Ислохотлар оқимидан

**ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИДА САНОАТ
ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Ўзбекистон бугун ўз тараққиёт ва ривожланиш йўлидан оғишмай бораётган давлат-
лардан бири сифатида жаҳонда ўз ўрни, обрўсига эга. Бунда, албатта, саноат тармоқ-
ларининг жадал суръатлар билан ривожланиб бориши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамиз саноати қишлоқ ҳўжалиги, хусу-
сан, пахтачилик, пиллачилик, мева-сабзавот ва қор-
вончилик маҳсулотларини қайта ишлаш негизида пай-
до бўлганлиги ва ривожланиб келаётганини ташкил-
лаш жоиз. Шунга кўра мамлакатимиз жаҳон ҳўжали-
гида аграр-саноат давлат сифатида эътироф этила-
ди. Яъни Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга кирит-
гўна қадар республика саноати асосан қишлоқ ҳўжа-
лиги маҳсулотлари ва бирламчи истеъмол товарла-
ри ишлаб чиқаришга хизмат қилиб келди.

Истиқлол широкати билан жамият ҳаётининг барча
жаҳўзлари қатори иқтисодий соҳада ҳам кенг қам-
ровли ислохотлар амалга оширилга бошланди. Исло-
хотлар ишлаб чиқариш соҳасининг асоси бўлган сано-
атда ҳам тўб тарихий ўзгаришларга сабаб бўлди.
Эндиликда республикамиз саноати илгаридек фа-
қат жом ашё ва ярим фабрикат маҳсулотлари эмас,
балки рақобатбардор, сифатли ва кенг экспортга
мулкжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга
иқтисослашиб бормоқда.

2004 йил ақуларига кўра Республика саноат иш-
лаб чиқариши 2003 йилга нисбатан 109, 4 фоизни
ташқил этиб, унинг ЯИМдаги салмоғи 15,8 фоиздан
17,1 фоизга кўтарилди. Саноатнинг тармок тарихий
эса кўйидаги кўриниш касб этди (фоизда): енгил сано-
ат—19,4, рангли металлургия—15,3, ёқили сано-
ати—13,3, машинасозлик—5,6, қурилиш материал-

лари—4,1, қора металлургия—2,6 ва бошқалар—
7,3. Бу тармоқлар орасида туғалланган тайёр ишлаб
чиқариш имконияти юқорилари енгил саноат, маши-
насозлик ҳамда кимё ва нефть кимёси саноатлари
саналади. Ўз-ўзидан бу тармоқларни ривожлантириш
стратегик аҳамият касб этади.

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий
ислохотлар самараси ўлароқ, машинасозлик тармо-
қининг саноатдаги улуғини камида 20 фоизга етқа-
зиш асосий максадлардан бири этиб белгиланган.
Бу борада эътиборга молик амалий қадамлар таш-
ланмоқда. Хусусан, Андижонда бунёд этилган
“UzDAEWOO-auto”, Самарқанддаги “SamKocAuto”, шу
билан бир қаторда “LG Electronics”, “Zenit Electronics”,
каби қорхоналарда яратилаётган Ўзбекистон маҳсу-
лотлари нафақат машинасозлик тармоқининг юқса-
лишига, шу билан бир қаторда халқаро бозорни ҳам
юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан
таъминлашга омил бўлмоқда.

Умуман, Ўзбекистон саноатининг бугунгидек ри-
вожланиб боришига бир қатор омиллар сабаб бўлмоқ-
да. Республика ҳўкумати олиб бораётган самарали
иқтисодий ислохотлар барча муваффақиятларнинг бош
омили бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари яна кўйидаги
омилларни ҳам санаб ўтиш лозим:

— иқтисодийнинг реал секторидagi ислохотлар-
нинг кўрлашуви;

— саноат тармоқларида реструктуризациялашув
жараёнларининг янада чуқурлашуви;
— иқтисодийта маъмурий аралашувларнинг ка-
майиб бораётгани ва иқтисодийта дебиализация-
лашув жараёнларининг тақомиллашуви;
— тармок қорхоналарида бошқарув тизимларининг
янада тақомиллашиб бориши;
— солиқ тизимининг янада тақомиллашиб бора-
ётгани;

— саноатта кўпроқ инвестиция жалб этиш мақса-
дида хоржий инвесторлар учун қўлай шарт-шароит-
ларнинг яратилаётганлиги ва бошқалар.

Тўғри, соҳа олдида қатор муаммолар ҳам бор.
Уларни ҳал этиш орқали республика саноат ишлаб
чиқариши қудрати янада ортишига шубҳа йўқ. Бу бо-
рада энг оқулна ва иқтисодий жиҳатдан самарали
йўл—бу саноатга киритилаётган инвестицияларни ҳаж-
мини оширишдир. 2005 йил 11 апрелда имзоланган
“Тўридан-тўғри хусусий хоржий инвестицияларни
жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-
каси Президентининг Фармони буйўлда муҳим аҳамия-
ят касб этишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Жамият ҳаётини саноат ишлаб чиқаришисиз та-
саввур этиб бўлмайди. Умид қиламизки, бундан буён
ҳам республикада саноат ишлаб чиқаришини ривож-
лантиришга қаратилган иқтисодий ислохотлар из-
чилик билан амалга оширилади. Чунонки, саноат-
нинг ривожланиши давлатнинг иқтисодий салоҳия-
тини, қудратини ошириш билан бир қаторда аҳли-
нинг турмуш даражасини кўтаришга ҳам хизмат қила-
ди. Чунки саноат ривожланиб бориши билан янги
иш ўринлари пайдо бўлади, аҳоли даромадлари ор-
тиб боради. Бу эса жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам
иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қила-
ди.

Дилшод АБДУАЗИЗОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
иқтисодий факультети 2-курс талабиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙ ВА СПОРТИ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ МУДДАТИ
ТУГАГАН ВА БЎШ (ВАКАНТ) КАФЕДРА МУДИРИ, ДОЦЕНТ, КАТТА ЎҚИТУВЧИ ВА
ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА БИТИМ АСОСИДА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Кафедра мудирини (профессор ёки доцент)
1.Хореография
ДОЦЕНТЛАР**

1. “Фалсафа” -1 та;
2. “Ўзбекистон тарихи” -1 та;
3. “Менежмент ва маркетинг асослари” -1 та;
4. “Ахборот технологиялари” -1 та;
5. “Жаҳон ва ватан хореография тарихи” -1 та;
6. “Театр тарихи” -1 та;
7. “Муסיқа тарихи” -1 та;
8. “Муסיқа назарияси ва муסיқий асарлар таҳлили” -1 та;
9. “Режиссёрлик асослари ва актёрлик маҳррати” -1 та;
10. “Рақс — муסיқа адабиёти” -1 та;
11. “Балетмейстерлик санъати” -2 та;
12. “Мумтоз рақс назарияси ва услуби” -1 та;
13. “Ўзбек рақс назарияси ва услуби” -2 та;
14. “Халқ-сахна рақси назарияси ва услуби” -2 та.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР

1. “Жаҳон ва ватан адабиёти” -1 та;
2. “Халқ ижодиёти” -1 та;
3. “Тасвирий санъат” -1 та;
4. “Мумтоз рақс” -1 та;
5. “Ўзбек рақс” -1 та;
6. “Халқ-сахна рақси” -1 та;
7. “Балетмейстерлик санъати” -1 та;

ЎҚИТУВЧИЛАР

1. “Замонавий рақс” -1 та;
2. “Тарихий-маиший рақс” -1 та;
3. “Дуэт-мумтоз рақс” -1 та;
4. “Мумтоз рақс намуналари” -1 та;
5. “Халқ-сахна рақси намуналари” -1 та;

Танлов иштирокчиларидан ўзбек ва рус тилларида
дарс бера олиш малакаси талаб этилади (айрим иж-
тимоий-гуманитар фанлардан ташқари).

Танловда қатнашиш учун кўйидаги ҳужжатлар тақ-
дим этилиши лозим:

- 1) Ректор номига ариза;
- 2) Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- 3) Маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги диплома-
лар ва илмий унвон ҳақидаги аттестат нусхалари;
- 4) Илмий ишлар рўйхати.

**ТАНЛОВ МУДДАТИ ЭЪЛОН ЧИҚҚАН
КУНДАН БОШЛАБ — 1 ОЙ.**

**Манзил: 700031, Тошкент шаҳри, Юсуф
Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй. Тошкент дав-
лат миллий рақс ва хореография Олий
мактаби, кадрлар бўлими.
Телефонлар: 56-33-27, 56-24-36.**

Спорт

ЯРИМ ФИНАЛДА ОМАД ТИЛАЙМИЗ

Маълумки, Вьетнамда футзал бўйича ўтказилаётган VII Осиё чемпионати бахслари ҳал қилувчи паллага кирди. Яъни турнирнинг ярим финалчилари аниқланди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, залда тўп суришга ихтисослашган футболчиларимиз учун қитъа чемпионати бахслари жуда омадли кечмоқда. Жумладан, гуруҳ ғолиблигини қўлга киритганидан сўнг дастлабки ўйинда терма жамоасимиз аъзолари қирғизистонлик рақиблари билан ўзаро баҳс юритишди. Ушбу ҳужумкор ўйин терма жамоамизнинг 5:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Иккинчи босқичдаги кейинги ўйинда спортчиларимиз Кувайт терма жамоасини 6:2 ҳисобида ишончли тарзда енгиб, чорак финалга йўланма олишди.

Чорак финал учрашувини ҳам чиройли ғалаба билан якунлаган кичик футбол усталаримиз бугун ярим финалда Эрон терма командасига қарши майдонга тушишди. Иккинчи ўйинда эса Япония ва Қирғизистон футболчилари ўзаро беллашади.

Осиё чемпионатининг финал учрашуви 4 июнь кuni ўтказилади.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — БИРИНЧИ

Наманган вилоятида ёшлар ўртасида ёзги триатлон бўйича мамлакат биринчилиги бахслари поёнига етди.

Турнирда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази, Сурхондарё, Фарғона ва Наманган вилоятларининг вакиллари бўлиш спортчилар сузиш, волейбол ҳамда югуриш каби спорт турларини ўз ичига олган триатлон бўйича ғолибни аниқлаш юзасидан кураш олиб боришди.

Ўзбекистон мудофеасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий Кенгаши ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан ташкил этилган биринчилик бахсларида аёллар, эркеклар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳурмат шохсупасининг барча юқори погоналарини техник ва амалий спорт турлари маркази вакиллари банд этишди. Умумжамоа ҳисобида эса шахримиз ёзги триатлон усталари биринчи бўлишди.

(Ўз мухбиримиз)

Самбо

ЁШЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ


Мирзо Улугбек тумани, Қорасув 4 даҳасида жойлашган Бобур номли маҳаллада 1986 йилда туғилган ўсмирлар ва ундан ёш болалар иштирокида самбо бўйича туман миқёсидаги мусобақалар бўлиб ўтди.



Тумандаги Ёшлар маркази мураббийси Булат Қодирқулов сазй-ҳаракатлари ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими кўмагида ташкил этилган турнирда «Динамо», «Жар», «Ёшлик» ва «Қорасув-4» спорт жамиятларининг

элликка яқин вакиллари саккизта вазн бўйича ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Мусобақада дўстона руҳ ҳукм сурди. Ҳакамлар ҳам барча беллашувларни ҳолис баҳолаб боришди. «Қорасув-4» жамоаси вакиллари турнирда рақибларидан кўра кучлироқ эканликларини исботлашди. Уйда деворлар ҳам «ёрдам» беради, деганларидек «Қорасув-4» жамоаси самбочиларидан 52 килограммгача вазнда Хайдар Олимбоев, 74 килограммгача курашчилар ўртасида Станислав Ваганов, 90 килограммликлар баҳсида Нурлукбек Капсаитов, энг оғир вазнда Нуриддин Турсуматовлар зафар кучишди.

«Динамо» жамоаси вакиллари ҳам бўш



қилишмади. Жумладан, 57 килограммгача вазнда Ербол Рустамов, 62 килограммгача полвонлар ўртасида Даврон Усмонов, 68 килограммгача вазнда Улугбек Шмаилов, 81 килограммликлар ўртасида Ботир Боймуродовлар турнир ғолиблари бўлишди.

Мусобақанинг барча ғолиб ва совриндорлари медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: турнир ғолиб ва совриндорлари; қизиқарли беллашувлардан лавҳа.

Алексей Попов олган суратлар.

Анжуманлар

УЧИШ АППАРАТЛАРИ МОНИТОРИНГИ

Ҳар бир таълим даргоҳи ўз тарихига эга бўлгани сингари Тошкент Давлат авиация институтининг ҳам босиб ўтган йўли ўзига ҳосдир.

1995 йил 31 май мазкур институт педагогик жамоаси ҳаётида унутилмас санадир. Худди шу кун Президентимизнинг мазкур олий ўқув даргоҳини ташкил этиш тўғрисидаги тарихий Фармони эълон қилинди. Утган ўн йил давр ичида институт мамлакатимиз авиация тармоғи учун кадрлар тайёрлаб берадиган ва бу соҳадаги муаммоларни илчил ўрганадиган илм масканига айланди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ ташкил қилинган бакалаврият, магистратура мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртини тугатган кадрлар ўз иш ўринларига эга бўлишмоқда. Айни кунда ушбу институт нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида ҳам ўз ўрнини топган, десак янглишмаймиз. Гарчанд ўн йил катта давр бўлмасида, бу даргоҳ шу йиллар ичида яхлит ва жиқслашган жамоага айланди.

Кунги кеча Тошкент Давлат авиация институтининг ташкил этилганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан институтда «Учиш аппаратлари мониторинги-2005» деб номланган илмий-техника анжумани бўлиб ўтди. Унда Москва ва Киев давлатларидан етуқ мутахассислар ва бошқа меҳмонлар иштирок этишди. Анжумани институт ректори, профессор Мурод Икромов кийриш сўзи билан очиб, институтда ўтган йўлнинг давомида қўлга киритилган ютуқлар, истиқболли режалар хусусида гапириб берди. Шунингдек йиғилишда Москва авиация институтининг декани Э.Минаев икки давлат, икки олий ўқув юрти ўртасидаги ҳамкорликлар ва келгуси режалар хусусида, Киев миллий авиация институтининг проректори А.Полушин сиртки масофавий ўқутиши такмиллаштириш ва олий ўқув юртларида илмий ва ўқув режаларини мувофиқлаштириш, бош конструктор ўринбосари А.Блинов институтда талабаларнинг конструктивлик бюросини ташкил қилиш мавзуларида маъруза қилдилар.

Институтнинг ўн йиллиги муносабати билан тақдимот маросимидан сўнг ўнгла секция — йўналишларда икки кун давом этган анжуманда шунингдек мутахассисларнинг тур доирадаги учрашувлари ўтказилиб, соҳага оид долзарб муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртоқлашилди.

Дилором ИКРОМОВА

Болажон халқимиз ҳар бир байрамни кўтаринки руҳда, юқори кайфият билан нишонлайди. Болажоннинг қувончи ва шўҳ кулгусини эшитишдан завқирок туйғу борми? 1 июнь — Халқаро болаларни химоя қилиш кунини муносабати билан ўтказиб келинаётган байрамларнинг кичкинтой дўстларимизга завқ-шавқ улашиши барчамизга маълум. Эртанги кунимиз ҳисобланмиш болаларни бахтиёр кўриш эса давлатимиз юритаётган сиёсатнинг асосий мақсадидир.

Тағбирлар

БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛАДИ

Ушбу байрам муносабати билан Халқаро «Маданият қарвон саройи»да «Бизнинг ватанимиз мангу яшасин!» деб номланган болалар кўрик-танловининг тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Сихат-саломатлик йилга бағишланиб, унда шахримиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, лицей, гимназия, санъат марказлари расомчилик тўғрақлари ўқувчилари, жами 300 га яқин болалар иштирок этди. Кўрик-танловда ёш мусиқа шайдолари ўз ижод намуналари, рақосалар ва

ёш шоирлар, шунингдек, «Коллибри» болалар модаси гуруҳининг намоишлари ўтказилди. Тадбир «Coca-cola» кўшма корхонаси, COSCOM компанияси, «Ўзавтотехизмат» очик акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Кизил Ярим Ой жамияти ҳамкорликларида ташкил этилди. Шунингдек, расомларимиз Акбар Раҳимов ва Акмал Нурнинг ёш истеъодлари қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуслари танловни ташкил этишга асосий туртки бўлди.

Тадбир сўнггида ҳайбат аъзо-

лари кўрик-танлов ғолибларини эълон қилишди. Унга кўра, ҳар бир ўринга уч кишилик ғолиблар белгиланди. Биринчи ўринга Наташа Пак, Улугбек Қутбидинов, Рузанина Вартамян муносиб деб топилдилар ва тадбир ташкилотчилари томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Танлов давомида болалар томонидан мусаффо осмонимизни, серкуёш улкамизни таранум этувчи расмлар кўргазмаси ташкил этилди.

Юлдуз УСМОН

Мунажжим башорати

ТАБИАТ ҚЎЙНИДА БЎЛИНГ 3 ИЮНЬ, ЖУМА

Мунажжимлар бугунги кунни кўпроқ табиат қўйнида ўтказиш, уйда боқайтган ҳайвон ва паррандаларингизга ғамхўрлик қилиш, экин-тикинларга қараш билан ниҳоясига етказишни тавсия этишди. Яна хонадонларингиз эшиклари меҳмонлар учун очик туриши керак. Мабодо, сиздан у ёки бу нарса ни сўраб қолишса — қизганиб ўтирмай бериб юборинг. Шунингдек, ертўлаларга камроқ тушиш, ҳуда-бехудага метрода сайр қилвермаслик керак.

Бугунги кунни сиз эсон-омон бориб-қеладиган узок сафарларни бемалол бошлайтиришингиз мумкин бўлган кун ҳам дейишди. Бугун кутилмаганда кўтаринки кайфият туйишингиз мумкин. Совуқ сув ҳам бугун шифобахш қудратга эга бўлади. Бинобарин, дарё ёки анҳорда, бирон сув ҳавзасида мириқиб чўмилишни уддаласангиз айтини муддао бўлади. Бугун уй жиҳозларини ҳўлланган латта билан артиб чиқиш ҳам фойдали.

Турли мулоқотлар, сафарлар, пул муомалалари хайрли бўлиши кутулади. Харидлар қилинг, савдо-сотик билан шугулланинг, битимларни имзоланг.

Бугун само битикларини ўқиш ва ўқишга ҳаракат қилинадиган кун: мабодо, осмонда бир хил шаклдаги булутларни уч марта кўрсангиз, буни яқин орада ҳаётингизда рўй берадиган ўзгаришлар белгиси сифатида қабул қилинг. Қуёш чарқлаб турганида ёмғир остида қолиш ёки камалак рангларини кўриш — келажак бахт ва омаднингизга ишора. Кечаси тиник осмонга қараб туриб, кўнглингиздаги саволларни беринг. Учиб ўтадиган юлдузлар шу саволларингизга жавоб бўлади.

Бу кеча кўриладиган тушлар башоратли

ҳисобланади. Бугун қон йўқотиш, донорлик қилиш ва қон қуйдириш ман этилади. Тромбофлебит ва лимфа тугунлари хасталиклари зўрайиши мумкин. Кўз ва кулоқларингизни эҳтиёт қилинг.

Кийимларни танлашда оқ, хаворанг ва олтинрангларига устуворлик берганингиз маъқул. Қора, ашил ва жигаранг либосларни нарироқ суриб қўйинг.

БУГУН:

- ўзингизга кўпроқ ёқадиган иш билан банд бўлиш;
- бодринг ва кўп сув талаб қиладиган бошқа полиз ехиларини сўғориш;
- шаҳар ташқарисида, дала ҳовлиларида дам олиш, кўпроқ вақтни очик ҳавда ўтказиш;
- катта ёшдаги кишилар ҳамда ўзингиз ёқтирган улфатлар билан мулоқотда бўлиш;
- турли муаммоларни ҳал этишда қалб амрига кулоқ тутиш;
- уй ҳайвонлари ва паррандаларга ғамхўрлик қилиш;
- дарё, анҳорлар, кўл бўйларига йўл олиш тавсия этилади.

Қатъиятлиликни намоён этиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан ўзингизни тийинг.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70, факс: (3712) 133-29-09.

Хажми — 2 босма таъбик офсет усулида босилади. 3684 нумерада босилади. Қорғоз бичини А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент» почтаамтига — 133-74-03 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.